

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЛОГОПЕДИЯ

фани бўйича мустақил иш вазифалари

Тошкент – 2007

Ушбу ўқув қўлланмада талабаларнинг мустақил иш вазифалари курслар бўйича аниқ мавзулар асосида берилган. Мустақил иш вазифалари талабаларнинг логопедия фанини яхши, муваффақиятли ўзлаштиришларида алоҳида аҳамият касб этади.

Тузувчи: доцент, педагогика фанлари номзоди,
Аюпова Мукаррам Юлдашевна

Такризчилар: доцент, педагогика фанлари номзоди,
Р.Ш.Шомахмудова
доцент в/б., педагогика фанлари номзоди
Д.А.Нуркелдиева

Сўз боши.

Олий ўқув юрти, турли соҳалар бўйича ижодий фикрлашга қодир, мустақил ишлай оладиган, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу вазифани эса бутун олий таълим системасини такомиллаштириш йўли билангина ҳал қилиш мумкин. Бунда бир мунча эффе́ктли метод ва таълим воситаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш асосий ўринни эгаллайди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кейинги бир қатор ҳужжатларида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда.

«Логопедия» курси дефектолог бакалаврларни тайёрлаш тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди, чунки талабалар ўзларининг кейинги иш фаолиятлари давомида махсус таълим-тарбия тизимида ривожланишида камчилиги бўлган болалар нутқидаги камчиликларни аниқлаш, нутқ камчиликларини бартараф этиш, нутқ камчиликларининг олдини олиш билан шуғулланадилар.

Курснинг асосий вазифаларига логопедия фанининг барча бўлимларини, логопедия фани билан узвий боғлиқ бўлган (анатомия, физиология, психология, махсус психология, психолінгвистика) фанлардаги янги илмий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда умумий ва махсус билимларни эгаллаш киради.

Логопедия фанини ўрганаётган талабалар, фан материалларини амалиётни ижодий ва танқидий баҳолай олишга, махсус педагогиканинг келажакдаги ривожланишини тасаввур қила олишга, ўзлаштираётган билимларини мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабда олиб бориладиган амалий машғулотларда ижодий фойдаланишга ўрганмоқлари керак.

Логопедия фанини муваффақиятли ўрганиш – назарий билимларнинг кенг доирасини ўзлаштириш, махсус адабиётлар билан ишлаш малакасини эгаллаш, хусусан логопедик машғулотларни режалаштириш, машғулотлар режалаштириш, машғулотлар режа матнларини тузиш, машғулотлар учун кўргазмали қуро́ллар ва дидактик материалларни танлаш ва тайёрлашни ўз ичига олади.

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш – логопедия фанини яхши, муваффақиятли ўзлаштиришларида алоҳида аҳамият касб этади, таълим жараёнида олиб бориладиган мустақил ишнинг турли кўринишлари (конспект олиш, реферат ёзиш, илмий-методик адабиётлар анализи, докладлар тайёрлаш) талабаларнинг илмий информацияни анализ қила олиш ва умумлаштириш, хулосалар чиқариш каби қобилиятларини ривожланишига, предмет бўйича билимларни чуқурроқ ва кенгроқ ўзлаштиришларига қаратилгандир.

Мустақил иш фақат логопедия фанидан билимларни мустаҳкамлаб қолмай, балки катта тарбиявий потенциал имкониятига эга бўлиб бунда талабалар ўз устларида ишлаш малакаларини эгаллайдилар.

Қўлланмада келтирилаётган назорат саволлар коллоквиум, оралик назорат имтихонларга муваффақиятли тайёрланишга имкон яратади. Булар ўзлаштирилган билимларни талабанинг ўзи томонидан текширишга, яъни ўз-ўзини назорат қилишга хизмат қилади. Ўқитувчининг хоҳишига қараб, талабаларнинг жавоби оғзаки, ҳам ёзма бўлиши мумкин. Тавсия этилаётган савол ва топшириқлар бўйича машғулотларда муаммо юзасидан дискуссиялар ташкил қилиш мумкин. Талабаларнинг олиб бораётган мустақил ишларини турли усуллар: тематик рўйхатлар, конспектлар, махсус адабиёт анализлари, оғзаки баён этишларини текшириш орқали назорат қилиш мумкин.

Логопедия курси бўйича ўрганиладиган ҳар бир мавзу юзасидан мустақил ишлар учун назорат савол ва амалий топшириқлар тавсия этилган, шунингдек логопедия курсининг асосий бўлимини ўрганишда талабалар танишиб чиқишлари лозим бўлган асосий адабиётлар рўйхати бериб берилган.

Қўлланма талабалар учун тавсия этилган, мўлжалланган бўлсада, ундан методик ёрдам тариқасида ўқитувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Қўлланмада берилган назорат савол ва топшириқлар назарий характерга эга бўлгани каби, амалий характерга ҳам эгадир. Бу мутаносиблик эса ҳар бир ўрганилаётган мавзу юзасидан бериладиган топшириқларда ўз ифодасини топади. Махсус муассасаларда кузатилган ва бажарилган ишлар юзасидан бир қатор топшириқлар берилган.

Факультет талабалари махсус муассасаларнинг бўлажак педагоглари эканлигини ҳисобга олиб, муаллиф болаларда нутқ бузилишларининг ҳосил бўлиши ва бартараф этиш масалаларига атрофлича ёндошади.

Қўлланмада, савол ва топшириқлар тахминий характерга эга бўлиб, педагогик маҳорат, ижодий ёндашув орқали уларни бирмунча такомиллаштириш, тўпلامни кенгайтириш мумкин.

I БЎЛИМ. МАХСУС ПЕДАГОГИКА (ЛОГОПЕДИЯ)

1-Мавзу: Логопедия – нутқ бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш фани сифатида

1. Логопедия фанининг предмети, вазифалари ва методларини ёритиб беринг.
2. Нутқ фаолиятининг норма ва патологияси ҳақида тушунча беринг.
3. Фанлар системасида логопедия фанининг тутган ўрнини таърифлаб беринг. Нутқ камчиликларининг олдини олиш ва бартараф этишни ўрганиш учун логопедия фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг.
4. Логопедия ва махсус педагогика фанлари ўзаро боғлиқлигини аниқ мисолларда кўрсатинг.
5. Нутқ табиий-илмий асосда ўрганиш ҳақида сизнинг тушунчангиз.

6. Нутқ фаолиятида анатомо-физиологик ва психолингвистик аспектларни ёритиб беринг.

7. Бола нутқини ривожланишида биологик ва социал факторларнинг ролини кўрсатинг.

8. Адабиётлардаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, норма ва атипик шароитларда нутқ ривожланишини таққосланг.

9. Болаларда тўғри нутқнинг шаклланишидаги восита ва усулларни санаб беринг.

10. Логопедия фанининг етакчи тамойилларини ёритиб беринг (ривожланиш, системали комплекс).

11. Логопедия фанининг асосий методлари ва методологик тамойилларини ёритиб беринг.

12. Мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларига борганингизда группада болаларни кузатиш давомида улар нутқининг ўзига хос хусусиятларини анализ қилинг ва белгилаб беринг.

13. Болаларда тўғри нутқни шакллантириш ҳақида тарбиячилар (оталар) билан ўтказиладиган суҳбатнинг конспектини тузинг.

14. Нутқ бузилишига таъриф беринг. Нутқ бузилишини диалектизм, тилни билмаслик, саводсизликдан фарқини кўрсатинг.

15. Дефект структураси ҳақидаги тушунчангизни ёритиб беринг.

16. «Дефектология» ва «Психология» луғатидан фойдаланиб иш даватарингизга қуйидаги: бузилиш, коррекция, компенсация, ривожланиш, тарбия терминларини ёзинг. Бу терминларнинг логопедия фанидаги аҳамиятини айтинг.

17. Артикуляцион аппарат тузилишини ўрганинг. Нутқ ҳаракат ва нутқ эшитув анализаторининг тузилишини эсланг. Нормал нутқда унинг ишини ёритиб беринг.

18. Физиологик ва нутқ нафасларини солиштиринг, улар орасидаги фарқни айтинг.

19. Нутқ функциясида психологик асослар ҳақидаги тушунчангизни очиб беринг.

20. Ҳар бир шахс учун нутқнинг аҳамияти нимадан иборат?

21. Адабиётлардан фойдаланиб тил ва нутқ нима эканлигини аниқланг. Алоқа (нутқ) жараёни ва тил воситалари (фонетика, луғат, грамматик тузилиш) нинг бузилишига мисоллар келтиринг.

22. Нутқ ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатинг.

23. Нутқ иккинчи сигнал системаси сифатида эканлиги ҳақидаги тушунчангизни ёритинг.

24. Асосий коммуникация аспектларини айтинг.

25. Нутқ фаолият сифатида таърифлаб беринг.

26. Нутқ бузилишларига катталар ва болалар қандай муносабатда бўлишини аниқ мисолларда кўрсатинг.

27. Психолингвистик адабиётлардан фойдаланиб, нутқнинг бузилиши жараёнининг асосий звеноларини аниқланг ва иш дафтарингизга ёзинг.

28. Болаларда нутқни тўғри тарбиялаш қандай аҳамиятга эга?

29. Болалар нутқини тўғри ривожланиши учун қандай шароитлар керак?

Адабиётлар:

1. Бадалян Л.О. Невропатология. М. 1987 г.
2. Логопедия (Волкова Л.С. таҳрири остида). М. 2003 й.
3. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.) Тошкент «Ўқитувчи». 1993 й.
4. Мажидов А. Невропатология. Т. 1986 й.

2-Мавзу: Овоз бузилишлари

1. Овоз ҳосил бўлишининг анатомо-физиологик механизмини айтиб беринг.
2. Овоз ҳосил бўлиши ҳақидаги турли хил назарий қарашларни айтиб беринг.
3. Овоз бузилишларини турлари ва сабабларини айтиб беринг.
4. Органик овоз бузилишлари, сабаблари, таснифи.
5. Функционал овоз бузилишлари, сабаблари, таснифи.
6. Овоз бузилишларини олдини олиш қандай амалга оширилади?
7. Болалар махсус муассасасига борганингизда машғулотларда болалар овозига аҳамият беринг.
8. Қайси нутқ камчиликларида овоз бузилишлари бирга келади? Уларни аниқланг. Дафтарингизга белгилаб қўйинг.
9. Мутация нима? Патологик мутация қандай намоён бўлади?
10. Болаларда овоз қандай ривожланади? Болалар овозининг ривожланиши бўйича адабиётлардан фойдаланиб таҳлил қилинг, конспект ёзинг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001 й.
2. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.
3. Очерки по патологии речи и голоса. М. 1960, 1963, 1968 г.
4. Правдина О.В. Логопедия. М. 1973 г.
5. Рау Ф.Ф. Методика устранения ринофонии. М. 1959 г.

3-Мавзу: Дислалия

1. Дислалияни таърифлаб беринг. Дислалияни келтириб чиқарувчи сабабларни айтинг.
2. Дислалия классификацияси.
3. Физиологик дислалия билан патологик дислалиянинг фарқи нимада?

4. Товушлар талаффузи ва фонетик ўқувнинг ўзаро боғлиқлигини ёритиб беринг.
5. Нутқнинг фонетик-фонематик томонидан ривожланганлиги деганда нимани тушунасиз? Унинг қандай белгилари бор? Қайси сабабларга кўра келиб чиқади?
6. Ҳамма товушлар артикуляция хусусиятларини профиль тасвирида аниқланг.
7. Сигматизм. Таърифи турларини ёритиб беринг. Товушларнинг тўғри артикуляцияда профилини чизинг.
8. Ротацизм. Таърифи, турларини ёритиб беринг. Товушнинг тўғри артикуляцияси профилини чизинг.
9. Ламбдацизм. Таърифи, сабаблари, турларини ёритиб беринг. Товушнинг тўғри артикуляцияси профилини чизинг.
10. Тил орқа (к, г, х), чуқур тил орқа (қ, ғ) товушлари, таърифи, сабабларини ёритинг. Товушларнинг тўғри артикуляцияси профилини чизинг.
11. Логопедик текшириш системасини ёритиб беринг. Логопедик текширишнинг усуллари ва принципларини таърифлаб беринг.
12. Товушлар талаффузида камчилиги бўлган болалар нутқини мустақил текширинг ва унга нутқ картасини тўлдиринг.
13. Баъзи товушлар артикуляциясининг профилини тасвирланг (чизинг) уларни солиштиринг, товуш ҳосил қилишдаги ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатинг.
14. Л, Р товушларининг постановкаси ва автоматизацияси учун бир нечта ўйин типидида бажариладиган машқларни иш дафтарингизга ёзинг.
15. Болалар муасасасига борганингизда, болалар товушларни қандай талаффуз этишини кузатинг. Товушлар талаффузидаги камчиликларнинг асосий вариантларини иш дафтарингизга белгилаб боринг.
16. Болалар нутқини текшириш учун альбом тайёрланг.
17. Механик дислалияни таърифлаб беринг. Унинг сабабларини, асосий турлари ва функционал дислалиядан фарқини айтиб беринг.
18. Артикуляцион аппарат тузилишидаги қайси камчиликлар дислалияга сабаб бўлади.
19. Прогения ва прогнатия нима? Бу патологияда қайси товушлар талаффузида кўпроқ камчиликлар учрайди?
20. Очиқ прикус нима? Турли турдаги очиқ прикуснинг ҳар бири қандай товушлар талаффузидаги камчиликларга сабаб бўлади?
21. Механик дислалияда товушлар талаффузининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг. Механик дислалияда ортодонт ва хирургик аралашувнинг зарурлигини асослаб беринг.

Адабиётлар:

1. Краузе Е.Н. Логопедия. Издательство «Корона принт». М. 2003 г.
2. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой) Издательство «Владос». М. 2002 г.
3. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.

4. Шомахмудова Р.Ш., Мўминова Л.Р. Болалар нутқидаги нуқсонлар ва уларни бартараф этиш. Т. 1994 й.

4-Мавзу: Ринология

1. Ринологияга таъриф беринг. Бу бузилишнинг сабаблари ва механизмни ёритиб беринг. Ринологиянинг асосий формаларини айтинг.

2. Ринологияни ўрганиш тарихидан қисқача маълумотлар ва ринологик болаларга кўрсатиладиган логопедик ёрдамни айтиб беринг.

3. Очиқ ринологияда дефект структурасини айтиб беринг.

4. Ринологияда артикуляцион аппарат тузилишидаги камчиликларни айтиб беринг.

5. Ринология учун тилнинг қандай паталогик ҳолати характерли?

6. Ринологик болалар нутқининг текширишнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

7. Туғма артикуляцион аппарат дефектларида нутқ бузилишлари қандай намоён бўлади?

8. Ринология муаммоси бўйича бирорта илмий ишни айтиб беринг. Асосий методик аҳамиятга эга бўлган жойларини қисқача конспект қилинг.

9. Махсус болалар муассасасига борганингизда ринологик болалар гуруҳи билан танишиб чиқинг. Нутқи бўйича текширув ишини ўтказинг. Уларнинг медико-педагогик ҳужжатлари билан танишинг.

10. Ринологиянинг механик дислалиядан асосий фарқини айтинг.

11. Жуфт ролли ўйинлардан фойдаланган ҳолда, ринологик болалар ота-онаси билан суҳбат ўтказинг (роллер: логопед ва боланинг онаси).

12. Ипполитова А.Г. «Открытая ринология» ўқув қўлланмаси билан танишиб чиқинг. Зарур жойларини конспект қилинг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001 й.

2. Ермакова И.Н. Логопедическая работа при ринологии у детей. М. 1984 г.

3. Ипполитова А.Г. Открытая ринология. М. 1989 г.

4. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой). М. 2003 г.

5. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1994 й.

5-Мавзу: Дизартрия

1. Дизартрияга таъриф беринг. Сабаблари, механизм, локализация ва нутқ бузилишларининг оғирлик даражаларини ёритиб беринг.

2. Дислалия товушлар талаффузидаги камчиликлар дизартриянинг энгил формаси (стертая)даги товушлар талаффузидаги камчиликлардан қандай фарк қилади.

3. Дизартрия болалар церебрал параличининг симптоми эканлигини ёритиб беринг.

4. Дизартрия классификацияси. Дизартриянинг асосий формаларини айтинг ва уларни характерлаб беринг.

5. Артикуляцион аппарат моторикасининг (ҳаракатининг) нутқсиз ва нутқ фаолиятидаги бузилишларини ёритиб беринг. Дизартрияда умумий ва майда моториканинг хусусиятларини таърифлаб беринг.

6. Мактабгача (мактаб) ёшидаги псевдобульбар дизартрик бола шахси ва нутқига характеристика беринг.

7. Дизартрик болаларни текширишнинг асосий метод ва усулларини айтинг. Анамнез йиғишда фойдаланиладиган саволлардан намуналар келтиринг.

8. Болалар муассасасига борганингизда дизартрик болалар ва улар билан олиб бориладиган ишнинг хусусияти билан танишинг.

9. Дизартрик болалар билан текшириш ишларини ўтказинг, уларнинг нутқсиз ва нутқ фаолияти ҳақида хулоса чиқаринг.

10. Дизартрик болаларга кўрсатиладиган махсус ёрдам ва олиб бориладиган коррекцион тарбиявий ишларда турли хил ташкилий формаларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

11. Дизартрия муаммоси бўйича бирорта ишни қисқача айтиб беринг. Методик аҳамиятга эга бўлган ишлардан иш дафтарингизга кўчириб олинг.

12. Дизартрик бузилишларни турли даражаларини ифодаловчи болаларни бир бирига қиёсланг. Улар билан олиб бориладиган иш хусусиятларини кўрсатиб ўтинг.

13. Дислалик ва дизартрик болалар ўйин фаолиятини қиёсланг, дизартрик болаларнинг ўйин фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқаринг.

14. Дизартрияни ўрганиш тарихидан қисқача маълумотлар беринг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001.
2. Краузе Е.Н. Логопедия. М. Издательство «Корона принт». М. 2003 г.
3. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой). М. Владос. 2002 г.
4. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.
5. Ляпидевский С.С. Невропатология. М. Владос. 2001 г.
6. Хрестоматия по логопедии Т-1. (под ред. Л.С.Волковой, В.И.Селиверстов). М. Владос. 1997 г.

6-Мавзу: Алалия

1. Алалияни системали нутқ бузилиши сифатида характерлаб беринг. Унга таъриф беринг, бузилиш сабаблари, симптоматикаси, механизмини ёритиб беринг.
2. Алалияни турли вариантдаги классификациясини айтиб беринг. Асосий формасига қисқача характеристика беринг.
3. Мотор алалияда дефект структурасини кўрсатинг. Мотор алалияда нутқни лексико-грамматик ва фонетико-фонематик томондан бузилишини характерлаб беринг.
4. Сенсор алалия: бузилиш сабаблари, механизми, симптоматикаси.
5. Сенсор алалия, эшитишни пасайиши ва ақли заифликка дифференциал диагностика беринг (қиёсланг).
6. Алалик болалар билан ўтказиладиган логопедик текширишнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
7. Сенсомотор бузилишларга эга бўлган болаларга психолого-педагогик характеристика беринг.
8. Алалик болалар шахсининг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.
9. Алалик ва дизартрик болалар артикуляцион моторикасини (ҳаракатини) қиёсланг.
10. Алалия ва функционал характердаги нутқни вақтинча ривожланмаганлигига қиёсий характеристика беринг. Қандай факторлар нутқни вақтинча ривожланмаганлигига сабаб бўлади?
11. Болалар муассасасига борганингизда болалар нутқидаги камчиликларга диққатингизни жалб қилинг.
12. Тадқиқотчиларнинг алалияни ўрганиш аспектларини айтинг. Текшириш ишларидан мисоллар келтиринг, олиб борилган баъзи ишлардан бирини айтиб беринг ва конспект қилинг.
13. Алалияда коммуникациянинг асосий аспектларини бузилишини айтиб беринг.
14. Алалия нутқ бузилишига берилган психологик ва лингвистик классификацияга қиёсий характеристика беринг.
15. Алалияни ўрганиш тарихини қисқача ёритиб беринг, адабиётларни таҳлил қилинг. Конспект ёзинг.
16. Алалия муаммоси бўйича бирорта ишни айтиб беринг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001 й.
2. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой). М. Владос. 2002 г.
3. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.
4. Хрестоматия по логопедии Т–1,2. (под ред. Л.С.Волковой, В.И.Селиверстов). М. Владос. 1997 г.

7-Мавзу: Афазия

1. Афазияга таъриф беринг, бузилиш механизми ва сабабларини ёритиб беринг.
2. Афазиология тарихидан қисқача маълумотлар келтиринг.
3. Афазия классификациясини ёритинг, асосий нутқ бузилишига характеристика беринг.
4. Афазик беморлар шахсининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
5. Болаларда афазиянинг намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.
6. Алалия ва афазияга қиёсий характеристика беринг. Уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрстинг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001 й.
2. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой). М. Владос. 2002 г.
3. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.
4. Хрестоматия по логопедии Т-1,2. (под ред. Л.С.Волковой, В.И.Селиверстов). М. Владос. 1997 г.

II БЎЛИМ. КОРРЕКЦИОН ИШЛАР МЕТОДИКАСИ (ЛОГОПЕДИЯ)

1-Мавзу: Овоз бузилишларини бартараф этиш

1. Овоз ҳосил бўлишининг анатомо-физиологик механизмини эсланг ва дафтарингизга ёзинг.
2. Овозни тиклаш ва ривожлантиришда фонопедик тамойилларни айтинг.
3. Овоз бузилишларида олиб бориладиган логопедик иш тизимини ёритиб беринг.
4. Овоз бузилишларини бартараф этишда С.Л.Таптапова методикасини ёритиб беринг. Адабиётлардан фойдаланган ҳолда конспект қилинг.
5. Овоз бузилишларини бартараф этишда Е.С.Алмазова методикасини ёритиб беринг.
6. Алмазова Е.С. ва С.Л.Таптапова методикаларини қиёсий таққосланг. Уларнинг методикаларини ёритиб беринг.
7. Алмазова Е.С. методикасини адабиётлардан фойдаланган ҳолда таҳлил этинг.
8. С.Л.Таптованинг овоз бузилишларини бартараф этиш бўйича тавсия этган методикани адабиётлардан ўрганинг ва таҳлил қилинг.

9. С.Л.Таптованинг овоз бузилишларини бартараф этиш методикаси бўйича реферат тайёрланг.

10. Овоз бузилишларини бартараф этишда олиб бориладиган комплекс тиббий-педагогик чораларни ёритиб беринг.

11. Болалар овозини ривожлантириш учун ўйинлар (машқлар) танланг.

12. Адабиётлардан фойдаланиб, «ортофония» тушунчасини аниқланг. Ортофоник машқларга мисоллар келтиринг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001 й.
2. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.
3. Очерки по патологии речи и голоса. М. 1960, 1963, 1968 г.
4. Правдина О.В. Логопедия. М. 1973 г.
5. Рау Ф.Ф. Методика устранения ринофонии. М. 1959 г.

2-Мавзу: Дислалия ва уни бартараф этиш методикаси

1. Дислалия тушунчасини эсланг. Уни таърифлаб беринг.

2. Товушлар талаффузидаги камчиликларни коррекциалашнинг асосий усуллари ва тамойилларини ёритиб беринг. Турли ёшдаги логопатлар гуруҳи билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

3. Товушлар устида ишлаш даврларини ёритиб беринг. Ҳар бир даврнинг қандай иш усуллари ва вазифалари бор?

4. Умумий артикуляцион гимнастика комплекси ва ҳамма товушларни постановкага тайёрлаш учун қўлланиладиган махсус машқлар иш дафтарингизга ёзинг.

5. Фонетик укувни ривожлантириш усуллари ва турларини айтинг. Ўйин машқларини тахминий рўйхатини тузинг ва иш дафтарингизга ёзинг.

6. Л, Р товушларининг постановкаси ва автоматизацияси учун бир нечта ўйин типига бажариладиган машқларни иш дафтарингизга ёзинг.

7. Сирғалувчи товушлар автоматизацияси бўйича, болалар группаси билан олиб бориладиган машғулотнинг тахминий режа матнини тузинг.

8. Болалар билан олиб бориладиган фонетик ишнинг асосий қийинчиликларини айтиб беринг, улар нима билан боғлиқлигини тушунтиринг.

9. Сирғалувчи ва шовқинли товушлар дифференцияси учун кўргазмали материал танланг.

10. Болаларда товушлар автоматизацияси (ёки дифференцияси) учун мустақил қўлланма (лото, домино) тайёрланг.

11. Ҳамма товушлар автоматизацияси учун расмлар танланг ва уларни конвертга солинг ёки альбомга ёпиштиринг.

12. Маълум товушлар дифференцияси учун материал танланг.

13. М.Ф.Фомичева, Г.А.Каше, В.Н.Городилова, Е.М.Родина ва бошқаларнинг қўлланмаларидан фойдаланиб, товушларнинг тўғри талаффузи устида ишлаш учун қизиқарли вазифалар, машқ ва ўйинлар танланг.

14. Сиз товушлар постановкасининг қандай усуллари биласиз? Қандай ҳолларда механик усулдан фойдаланиш зарурияти туғилади?

15. Товушлар талаффузидаги (с, з, ш, ж, ч) камчиликларни бартараф этиш бўйича логопедик ўйинларни танланг. Уни дафтарингизга ёзиб боринг.

16. Л,Р товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда логопедик ўйинларни танланг, уни дафтарингизга ёзиб боринг.

17. Тил орқа (к, г, х) товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда логопедик ўйинларни танланг. Уни дафтарингизга ёзиб боринг.

Адабиётлар:

1. Краузе Е.Н. Логопедия. Издательство «Корона принт». М. 2003 г.
2. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой) Издательство «Владос». М. 2002 г.
3. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.
4. Шомахмудова Р.Ш., Мўминова Л.Р. Болалар нутқидаги нуқсонлар ва уларни бартараф этиш. Т. 1994 й.

3-Мавзу: Ринолалия ва уни бартараф этиш методикаси

1. Ринолалия тушунчасини эсланг. Ринолалия нутқ бузилишига таъриф беринг.

2. Ринолалик болалар билан олиб бориладиган ишларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.

3. Ринолалияда олиб бориладиган асосий логопедик иш тамойилларини айтинг. Ринолалияда комплекс таъсир этиш деганда сиз нималарни тушунасиз?

4. Очiq ринолалияда операциягача ва операциядан сўнг олиб бориладиган логопедик иш методларини эсланг.

5. Ринолалик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишни режалаштиринг.

6. Ринолалик болаларда овоз – нафас чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ўйин материални танланг.

7. Ҳаво оқимини узоқ муддат ва тўғри йўналтириш учун фойдаланиладиган ўйинчоқ ва ўйинларни айтиб беринг.

8. Қайси нутқ бузилишида назализация кузатилади ва уни бартараф этишда қандай ишларни ташкил этиш мумкин?

9. Ринолалик болалар билан олиб бориладиган машғулотнинг режа матнини тузинг.

10. Ринолалик бола ёки ринолалик болалар гуруҳи билан ўтказиладиган машғулотдан кўриниш келтиринг ва ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.

11. Махсус болалар боғчасига борганингизда ринолалик болалар билан ўтказиладиган машғулотларни кузатинг ва таҳлил этинг.

12. Ринолалик болалар билан ўтказиладиган машғулотлар учун дидактик материаллар тайёрланг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001 й.
2. Ермакова И.Н. Логопедическая работа при ринолалии у детей. М. 1984 г.
3. Ипполитова А.Г. Открытая ринолалия. М. 1989 г.
4. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой). М. 2003 г.
5. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1994 й.

4-Мавзу: Дизартрия ва уни бартараф этиш методикаси

1. Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишда медико-педагогик тадбирлар системасини ёритиб беринг.

2. Дизартрияда олиб бориладиган комплекс коррекцион-тарбиявий ишларнинг асосий тамойили ва усуллари айтиб беринг.

3. Болаларда дизартрияни бартараф этишдаги логопедик ишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беринг.

4. Махсус муассасаларга борганингизда, ҳаракат аппаратини даволаш ва ўқув-тарбия ишида логопедик ишнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

5. Болалар муассасасига борганингизда, дизартрик болалар ва улар билан олиб бориладиган ишнинг хусусияти билан танишинг.

6. Дизартрик болалар билан текшириш ишларини ўтказинг, уларнинг нутқсиз ва нутқ фаолияти ҳақида хулоса чиқаринг.

7. Болалар майда қўл бармоқлари ҳаракатини ривожлантириш учун ўйин машқларини танланг ва уларни иш дафтариңизга ёзинг.

8. Фонетик ва фонетико-фонематик камчиликлар дизартрияда қандай намоён бўлади? Айтилган вариантдаги бузилишларнинг фарқи нимадан иборат? Бундай ҳолларнинг ҳар бирида олиб бориладиган коррекцион-логопедик ишнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

9. Дизартрияда олиб бориладиган комплекс медико-педагогик таъсир этиш чораларининг зарурлигини асослаб беринг. Бу комплекснинг турли хил аспектларини ёритиб беринг.

10. Дизартрияни бартараф этиш бўйича бирор муаллифнинг методикаси бўйича реферат тайёрланг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001 й.

2. Краузе Е.Н. Логопедия. М. Издательство «Корона принт». М. 2003 г.
3. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой). М. Владос. 2002 г.
4. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.
5. Ляпидевский С.С. Невропатология. М. Владос. 2001 г.
6. Хрестоматия по логопедии Т-1. (под ред. Л.С.Волковой, В.И.Селиверстов). М. Владос. 1997 г.

5-Мавзу: Алалия ва уни бартараф этиш методикаси

1. Мотор алалияда олиб бориладиган логопедик иш системасини ёритиб беринг (асосий принциплар, усуллар, йўналишлар ва даврлар бўйича).
2. Сенсор алалияда олиб бориладиган логопедик иш системасини ёритиб беринг.
3. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда нутқ фаоллигини ривожлантириш учун қўлланиладиган ўйин машқларини айтинг ва уларни иш дафтарингизга ёзинг.
4. Болаларда акустик диққат ва укувни ривожлантириш ва текшириш учун овозли предметлар наборини танланг.
5. Нутқи тўдиқ ривожланмаган болаларни текшириш системасини ёритиб беринг. Текширишнинг ўтказилишига мисоллар келтиринг.
6. Алалик болалар билан ишлашда комплекс ёндашиш зарурияти нима билан боғлиқ? Бу комплекс ёндашиш ишларини қандай ташкил этиш мумкин?
7. Сенсор алалик болалар билан олиб бориладиган логопедик машғулотлар учун дидактик материаллар тайёрланг.
8. Мотор алалик болаларнинг майда қўл моторикаси ривожлантириш учун дидактик материаллар тайёрланг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001 й.
2. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой). М. Владос. 2002 г.
3. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.
4. Хрестоматия по логопедии Т-1,2. (под ред. Л.С.Волковой, В.И.Селиверстов). М. Владос. 1997 г.

6-Мавзу: Афазияни бартараф этиш методикаси

1. Афазиянинг турли формаларида олиб бориладиган коррекцион-тарбиявий ишлар тамойилини айтинг.
2. Афазияда нутқнинг комплекс тиклаш чоралари нималардан иборат?
3. Афазик беморларга кўрсатиладиган ҳозирги замон медико-педагогик ёрдам системаси билан танишинг. Махсус муассасаларга борганингизда афазик беморлар ва улар билан олиб бориладиган ишлар билан танишинг.

4. Афазик бемор билан ўтказиладиган машғулотларни режалаштириш қандай олиб борилади?

5. Афазик беморлар билан ўтказиладиган машғулот учун дидактик материаллар тайёрланг.

6. Афазияни бартараф этиш бўйича бирорта методикасини ёритинг ва реферат тайёрланг.

Адабиётлар:

5. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2001 й.

6. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой). М. Владос. 2002 г.

7. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.

8. Хрестоматия по логопедии Т–1,2. (под ред. Л.С.Волковой, В.И.Селиверстов). М. Владос. 1997 г.

III БЎЛИМ. ЛОГОПЕДИЯ

1-Мавзу: Фонетик–фонематик нутқ бузилиши

1. Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигига таъриф беринг.

2. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқига тавсиф беринг.

3. Махсус болалар боғчасига борган логопеднинг хужжатлари билан яқиндан танишинг. Хужжатлар рўйхатини дафтарингизга ёзиб олинг.

4. ФФН болалар нутқини текшириш учун дидактик материаллар тайёрланг.

5. Нутқ картаси билан яқиндан танишинг.

6. Ота-оналар билан ўтказиладиган семинар режасини тузинг.

7. ФФН болалар гуруҳида логопед машғулотини кузатинг ва таҳлил этинг.

8. ФФН болалар билан ўтказиладиган машғулотларни режалаштиринг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Т. 2007 йил.

2. Каше Г.А. Подготовка к школе детей с недостатками речи. М. 1985 г.

3. Логопедия (под ред. Л.С.Волковой). М. 2002 г.

4. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. Ўқитувчи 1993 й.

5. Филичева Т.Б, Чевелева Н.А. Логопедическая работа в специальном детском саду. М. Просвещение 1987 г.

2-Мавзу: Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги

1. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига умумий таъриф беринг.
2. НТР даражаларини айтинг. Уларга тавсиф беринг.
3. Болаларда I даражали нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги билан олиб бориладиган коррекцион-логопедик ишнинг мазмуни ва вазифаларини ёритиб беринг.
4. Болаларда II даражали нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги билан олиб бориладиган коррекцион-логопедик ишнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари нимадан иборат?
5. Болаларда III даражали нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги билан қандай коррекцион-тарбиявий ишлар ташкил этилади?
6. Болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигида товушлар талаффузи, фразли нутқ ва луғат бойлигини ривожлантиришнинг асосий йўллари айтиб беринг.
7. Болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигида машғулотларни ташкил этиш ва режалаштириш ёритиб беринг.
8. Болалар муассасасига борганингизда нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқини текширинг.
9. НТР болаларда нутқ фаоллигини ривожлантириш учун қўлланиладиган ўйин-машқларини айтинг ва уларни иш дафтарингизга ёзинг.
10. Болаларда акустик диққат ва укувни ривожлантириш ва текшириш учун овозли предметлар наборини танланг.
11. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни текшириш системасини ёритиб беринг. Текширишнинг ўтказилишига мисоллар келтиринг.
12. Нутқи умумий ривожланмаган болаларга психолого-педагогик тавсиф беринг, уларни ёзиб олинг.
13. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини адабиётлардан фойдаланиб ўрганиб чиқинг ва уни реферат шаклида ёзинг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Тошкент. 2007 г.
2. Логопедия (под ред. Л.С. Волковой). М. 2002 г.
3. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. Ўқитувчи. 1993.
4. Филичева Т.Б., Чевелева Н.А. Логопедическая работа в специальном детском саду. М. Просвещение 1987 г.

3-Мавзу: Ёзма нутқ бузилишлари

1. Ёзма нутқ бузилишларининг олдини олиш нималардан иборат? Мактабгача ёшдаги болаларда у қандай амалга оширилади?
2. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ёзма ишлари билан танишинг. Ёзувда йўл қўйилган қайси хатолар дисграфик характерда эканлигини

аниқланг. Она тили дастур материалларини ўзлаштира олмаслик нималарга боғлиқ?

3. Товуш ва харфларнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш учун кўргазмали ва ўйин материалларини танланг.

4. Ўқиш ва ёзув бузилишининг асосий формаларини айтинг ва мисоллар келтиринг.

5. Ўқиш ва ёзув бузилишларининг олдини олишда олиб бориладиган логопедик ишларнинг асосий методик тамойилларини айтинг.

6. Дисграфик-дислексик болалар гуруҳи билан олиб бориладиган зарурий ишларни айтинг. Гуруҳларни комплектлаш тамойилларини айтинг. Гуруҳ билан олиб бориладиган ишнинг тахминий режасини тузинг.

7. Мактабларга борганингизда дисграфик ва дислексик болалар билан олиб бориладиган ишларни ташкил этиш ва режалаштиришни аниқланг.

8. Ёзма нутқ бузилишлари муаммоси бўйича бирорта методик характердаги адабиётлардан қисқача конспект олинг.

9. Акустик ва график характердаги хатоларга мисоллар келтиринг.

10. Ёзувни ўзлаштиришда қайси нутқ камчиликларини намоён бўлади? Аниқ мисоллар келтиринг.

11. Ўқиш ва ёзувни ўзлаштиришда аналитик-синтетик фаолиятнинг ривожлантиришнинг зарурлигини айтиб беринг.

12. Болалар товуш-бўғин анализ малакаларини ҳосил қилишда фойдаланиладиган белгилардан (модель, схема, рангли белги) мисоллар келтиринг.

13. Ўқиш ва ёзув камчилигига эга бўлган, ёрдамчи мактаб ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган машғулотдан фрагмент (парча) тайёрланг.

14. Фонетик-фонематик камчиликлар натижасида келиб чиққан ёзма нутқ бузилишларини бартараф этишда олиб бориладиган ишлар системасининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг.

15. Бирорта қўлланмадан ёзма нутқ бузилишларини бартараф этишнинг иш усуллари ва машқларидан иш дафтарингизга ёзиб олинг.

16. Дисграфик-дислексик болалар билан ишлашда фойдаланиладиган кўргазмали қуроллар рўйхатини тузинг.

17. Дисграфик-дислексик болалар билан ишлашда қўлланиладиган бирорта кўргазмали қуролни мустақил ўзингиз тайёрланг.

Адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Тошкент. 2007 й.
2. Ефименкова Л.Н. Коррекция устной и письменной речи учащихся начальных классов. Издательство «Владос». М. 2003 г.
3. Лалаева Р.И. Нарушения чтения и пути их коррекции у младших школьников. Издательство СОЮЗ. М. 2002 г.
4. Логопедия (под ред.Л.С.Волковой). М. Владос. 2002 г.
5. Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. 1993 й.

6. Садовникова И.Н. Нарушение письменной речи младших школьников. М. 1983 г.

4-Мавзу: Дудукланиш

1. Дудукланишга ҳозирги замон тушунчасини беринг. Дудукланишнинг асосий турлари, сабаблари ва механизмини ёритиб беринг.

2. Дудукланишдаги локализация ва пай тортишиш турларини айтиб беринг.

3. Дудукланишнинг кечиши ва мактабгача ёшдаги дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган ишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беринг.

4. Дудукланиш – нутқнинг коммуникатив функциясининг бузилиши сифатида эканлигини айтиб беринг, коммуникациянинг қайси аспектлари зарарланади?

5. Дудукланувчи бола билан мустақил текширув ишини ўтказинг.

6. Дудукланувчи бола шахси ва нутқини коррекциялашда олиб бориладиган логопедик ишнинг асосий йўналишларини айтинг.

7. Дудукланишни бартараф қилиш учун олиб бориладиган комплекс ёндошиш нимадан иборат? Амалиётда у қандай амалга оширилади?

8. Дудукланишни бартараф этишдаги замонавий методикалар образини беринг. Ўз хоҳишингизга кўра бирорта методика мазмунини айтиб беринг.

9. Дудукланувчи бола шахси ва нутқини қайта тарбиялаш системасида психотерапиянинг тутган ўрни ҳақида маълумот беринг.

10. Пай тортишиш характерида бўлмаган қандай нутқнинг темп ва ритми бузилган бўлади?

11. Махсус мактабгача тарбия муассасаларига борганда дудукланувчи болалар ва улар билан олиб бориладиган иш системаси билан танишинг.

12. Мактабгача ёки мактаб ёшидаги дудукланувчи болалар гуруҳи билан олиб бориладиган машғулотнинг план-конспектини тузинг.

13. Тарбиячилар ва ота-оналар билан дудукланувчи болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва улар билан олиб бориладиган иш ва нутқий мулоқотда (муносабат) маълум қоидаларга риоя қилиш кераклиги ҳақидаги суҳбатнинг қисқача конспектини тузинг.

14. Дудукланишни бартараф этиш муаммоси бўйича методик характерга эга бўлган турли авторлар ишидан иш дафтарингизга қисқача кўчириб олинг.

15. Махсус муассасаларга борганингизда, дудукланувчи болалар нутқий мулоқотининг ўзига хос хусусиятига, ўқиш ва ўйин фаолиятларининг хусусиятига диққатингизни жалб қилинг.

16. Дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган иш жараёнида асосий дидактик принциплардан қандай фойдаланишни аниқ мисолларда кўрсатинг.

17. Дудукланувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.

18. Адабиётлар бўйича аутотренинг системаси билан танишиб чиқиб, иш дафтарингизга асосий формулаларини ёзинг.

19. Республикада дудуқланувчилар учун ташкил этилган логопедик муассасалар системаси билан танишинг.

20. Машғулотларга қатнашинг, ўтказилган машғулотларни гуруҳларда ўртоқларингиз билан анализ қилинг.

Адабиётлар:

- 1.** Аюпова М.Ю. Логопедия (маърузалар матни). Тошкент. 2007 й.
- 2.** Логопедия (под ред.Л.С.Волковой). М. Владос. 2002 г.
- 3.** Логопедия (Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю.). Тошкент. Ўқитувчи. 1993.
- 4.** Хрестоматия по логопедии. Т-1,2. М. 1998 г.